

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШДА СУВ ТЕЖАМКОР СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

**А.О.Ҳасанов**

*Сарбон университети “Иқтисодиёт ва сервис” кафедраси ўқитувчиси*

**Ж.А.Хотамов**

*Сарбон университети “Иқтисодиёт ва сервис” кафедраси мудири*

### **Аннотация:**

*Ушбу мақолада қишлоқ хўжалик экинларини суғориш учун кун сайин сув танқислиги муаммоси ортиб бораётганлиги, унга ечим сифатида экинларни суғоришда сувни тежовчи замонавий суғориш технологияларини кенг жорий этиш ва шу йўл орқали иқтисодий барқарорликка эришиш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлили келтирилган.*

**Калит сўзлар:** *иқтисодий самарадорлик, сув танқислиги, қишлоқ хўжалиги, томчилатиб суғориш, субсидия.*


**Кириш.** Мамлакатимизда ўтган 2022 йилда иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш бўйича улкан ишлар амалга оширилди.[1]

**Муаммонинг қўйилиши.** Дунё ресурслари институти тахминларига кўра, 2040 йилга келиб, жаҳоннинг 33 давлати сувнинг ўта даражада танқислиги муаммоси билан тўқнашади. Бу 33 мамлакат орасида Марказий Осиё давлатларининг барчаси мавжуд. Ўзбекистон ҳам, албатта, улар орасида.[5]




1-расм. 2040 йилда дунё мамлакатларининг сув тақчиллиги муаммосига дуч келиш кўлами.

Статистик маълумотларга қараганда, Республика бўйича 2018 йилда фойдаланилаётган сувларнинг умумий миқдори ўтган асрнинг 80-йилларига нисбатан йилига 64 миллиард метр кубдан ўртача 51 миллиард метр кубгача камайди. [7]




2-расм. Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикасининг сув сарфи динамикаси.

Бугунги кунда мамлакатимизда сув энг кўп қишлоқ хўжалиги соҳасига йўналтирилган. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув ресурсларидан тобора тежаб, замонавий сув тежамкор технологияларни қўллаган ҳолда фойдаланишни зарурат қилиб қўйди.



3-расм. Ўзбекистон Республикасида сувнинг ишлатилиши

**Тадқиқот услубияти:** Маълумки, ҳар қайси соҳада тадқиқот олиб бориш учун дастлаб кузатиш ва ўлчов ишлари олиб борилади. Олиб борилган кузатишлар ва илмий таҳлиллар натижасида ушбу соҳанинг кучли ва заиф томонлари, имкониятлари ва соҳа ривожланишига тўсиқ бўлаётган омиллар аниқланади. Бундан ташқари, иқтисодий тармоқларида янги технологиядан фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлигига, меҳнат унумдорлигини ортишига ва энг асосийси ресурслар тежалишига эришишда асосий омил бўлади (4-расм).



4-расм. Фойдаланиладиган сув миқдори ва технологияларнинг ўзаро боғлиқлиги.

Бу ерда  $T$  – технологиялар чизиғи,  $T_1$ – $T_2$  – технологияларнинг замонавийлик даражалари,  $W$  – сув ресурслари чизиғи,  $w_1$ – $w_2$ –сув ресурслари ҳажмининг ортиши.

Юқоридаги расмдан шуни англаш мумкинки, қишлоқ ва сув хўжалигига қанчалик янги, инновацион, ресурс тежамкор ва самарадор технологиялар жалб этилса, бу шунчалик сув ресурсларини тежалишига, ҳосилдорликни ортишига сабаб бўлади. Буни биз нафақат қишлоқ ва сув хўжалигида балки бошқа соҳаларда ҳам кузатишимиз мумкин.

**Тадқиқот натижалари.** Республика аграр тармоғида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг бош мақсади - тармоқни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган бўлиб, ҳукуватимиз томонидан қабул қилинаётган ишлаб чиқариш дастурларини амалга оширилиши қишлоқ хўжалигида экин майдонлари таркибини ҳамда маҳсулотлар ҳажмининг ўзгаришига олиб келди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб

чиқаришини ривожлантириш ва иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг энг истикболли йўналишларидан бири бу экинларни суғориш учун сув тежовчи замонавий суғориш технологияларидан энг илғори томчилатиб суғориш тизимларини қўллашдир.

Томчилатиб суғориш усули суғориш усуллари орасида ўзининг юқори самарадорлиги, яъни сув ресурслари етишмаслиги шароитида кам сув сарфлаб барқарор юқори ҳосил олишга имкон берадиган суғориш усули эканлиги билан ажралиб туради. Экинларга ишлов бериш ва суғориш ишларида қўл меҳнатини камайтириш ҳамда суғоришни автоматлаштириш имкониятларининг юқорилиги боис томчилатиб суғориш усули бутун дунёда кундан кунга кенгроқ майдонларга тадбиқ қилинмоқда. Томчилатиб суғориш усулини ҳақиқий самарасига эришиш учун уни тадбиқ қилувчи ҳар бир фермер тизим тўғрисида аниқ билимга эга бўлиши ва тизимнинг афзалликларига тўлиқ ишониши лозим. Тизимни тадбиқ қилувчилар тизимнинг афзалликларини ҳамда экинларнинг ҳосилдорлиги ўзгаришини бир йиллик экинларда биринчи йилдаёқ ҳис қилишлари мумкин.[3]

**1-жадвал. Суғориш усуллариининг таққослаш**

№	Экин тури	Эгатлаб суғориш усулида		Томчилатиб суғориш усулида	
		Сув сарфи [м <sup>3</sup> /га/сезон]	Ҳосилдорлик [тонн/га]	Сув сарфи [м <sup>3</sup> /га/сезон]	Ҳосилдорлик [тонн/га]
1.	Пахта	>10.000	2,0 – 2,5	3.300 – 4.000	5– 6
2.	Маккажўхори	6.000 – 7.000	8 – 8.5	3.300 – 3.600	15
3.	Соя	5.000 – 8.000	2	2.500 – 4.000	4 – 4.5
4.	Кунгабоқар	5.000 – 6.000	0.5 – 1	2.000 – 2.500	2 – 3
5.	Картошка	6.000 – 6.500	35 – 40	4.000 – 4500	70 – 80
6.	Пиёз	8.000	40	4.000	90
7.	Помидор	7.000	30	3.500	95
8.	Олма	7.000 – 8.000	20 – 30	2.500 – 4.000	60 – 80
9.	Узум	>10.000	20 – 25	6.000	55 –70


Юқорида келтирилган 1-жадвал маълумотлари томчилатиб суғориш тизими давлатимизнинг сув ресурсларини иқтисод қилиш, экин экилган ерлардан юқори ҳосил олиш борасида олиб бораётган сиёсатининг асосий дастакларидан бири эканлигини ифодалайди.

Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этишни рағбатлантириш механизмларини янада кенгайтириш ва сув ресурсларидан

фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ерлари ҳосилдорлиги даражасини яхшилаш мақсадида ҳукуратимиз томонидан пахта хомашёсини ишлаб чиқарувчиларига томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш учун пахта хомашёси экиладиган майдоннинг ҳар бири гектари учун 8 миллион сўм, узум плантацияларида томчилатиб суғориш технологиялари жорий қилинган узум экиладиган майдоннинг ҳар бири гектари учун 8 миллион сўм, янги боғлар ва иссиқхона хўжаликларида эса сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилишга экин майдоннинг ҳар бир гектари учун 6 миллион сўмдан ошмаган миқдорда субсидиялар тақдим этилмоқда.[2]

Хусусан, Республикамизда 2022 йилда 463,8 минг гектар майдонда сув тежамкор технологиялар жорий қилинган. Суғориш технологиялари учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун 140,9 млрд. сўм миқдорда субсидия маблағлари ажратилган. Бунинг натижасида 2022 йилда суғориш ишларига жами етказиб берилган 37 млрд. 584 млн. м<sup>3</sup> сувнинг вегетация мавсумида сув ресурсларини самарали бошқариш, сувни тежайдиган ва рақамли технологияларни жорий қилиш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ҳисобидан жами 7,0 млрд. м<sup>3</sup> сув тежалишига эришилган.[8]

Ўзбекистон ўрта муддатли истиқболда 2 миллион гектар майдонга сув тежамкор технологияларни жорий қилишни мўлжаллаган. Бунинг учун жорий нархларда умумий қиймати 5,8 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган сув тежамкор технология ва ускуналар зарур бўлади. Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти экспертларининг Ўзбекистоннинг дунё сув тежамкор технологиялар бозоридаги иштирокини ўрганишга доир ўтказган таҳлилларига кўра, республика бўйича сув тежамкор технологиялар қўлланилаётган майдонлар сўнгги беш йилда 7,7 марта ортган.[6]



Бугунги кунда қишлоқ хўжалигига замонавий, инновацион технологияларни қўллаш орқали нафақат сув ресурсларини тежалишига, балки, қўшимча иқтисодий самарага эришиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг маълумотларига кўра ғўзани оддий усулда суғорганда сув сарфи гектарига ўртача 5500 м<sup>3</sup> ни, томчилатиб суғорганда эса 2750 м<sup>3</sup> ни ташкил этиб, сув сарфи 2 баробарга, ёқилғи-мойлаш материаллари сарфи эса 2,7 мартага қисқаради. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, 10 гектар майдонга сув тежовчи технологияларни жорий этиш харажатлари қарийб 133 миллион сўмни ташкил этади. Фермер хўжаликда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш орқали пахта ҳосилдорлиги 27 центнердан 35-45 центнергача ошади. Бундан ташқари сув сарфи (30-50%), электр қуввати (10-15%), дизел ёқилғиси (25-30%), минерал ўғитлар (20%) тежалишига эришилади. Тежалган ресурслар, ҳосилдорлик ошиши эвазига самарадорлик даражаси янада ортади ҳамда сув тежовчи тизимни жорий қилиш харажатлари қопланади ва 5-6 йиллардан қўшимча иқтисодий фойдага эришиш мумкин.[4]

**Хулоса ва таклифлар.** Юқоридаги таҳлиллар ва маълумотларга асосланиб, куйидаги таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Жумладан,

➤ қишлоқ хўжалигида сув тежамкор технологиялардан фойдаланишда экин тури, табиий иқлим шароитлари, тупроқ таркиби, агротехника тадбирларни қўллаш шароитлари ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда оптимал суғориш тизимини ҳамда усулини танлаш;

➤ экин майдонларига жорий этилаётган сув тежовчи суғориш тизими жорий этишдан олдин, самарадорлик даражасини техник ва иқтисодий жиҳатдан ҳисоблаб чиқиш;

➤ экин турига қараб, сув тежовчи суғориш тизими жорий қилинган ер майдони учун давлат томонидан берилётган субсидиялардан фойдаланиш, мазкур тизимларни ўрнатиш учун керак бўладиган технологияларни ишлаб чиқарувчиларга (маҳаллий) яратилаётган имкониятлардан фойдаланиш.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки иқтисодиёт соҳаларида сув ресурслари бошқарувини тубдан такомиллаштириш, сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширишда сув тежамкор технологияларни қўллаш тизимини янада ривожлантириш, сув ресурсларига бўлган муносабатни ижобий томонга йўналтириш сув тақчиллигига мослашиш ва истеъмолчиларни кафолатланган сув билан таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга оширишни талаб этади. Мамлакатимизда сув хўжалигида замонавий технологияларинг кенг жорий қилиниши, бунинг учун давлат томонидан яратилаётган қулайликлардан фойдаланиш ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 апрелдаги “Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-107-сон қарори.

3. С.А.Маматов Томчилатиб суғориш тизими. Тошкент. 2016, 12 бет.

4. “Томчи” мобил иловаси маълумотлари.

5. [www.wri.org](http://www.wri.org)

6. [www.ifmr.uz](http://www.ifmr.uz)

7. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)

8. [www.water.gov.uz](http://www.water.gov.uz)